

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 21 апрель, № 78 (5245)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19-20 апрель кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.



сидимоланган Сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим гоёт долзарб ва муҳим аҳамиятга эга ҳужжат эканини таъкидладилар.

Хитой Эксимбанки ва Давлат банки раҳбарлари Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли эканини, жон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бу яна бир қарра ўз тасдиғини тоғганини қайд этдилар.

Хитойнинг етакчи банклари қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканини билдириб, ташриф доирасида қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси учун улар томонидан Ўзбекистоннинг тўрт банкка умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг янги кредит линиялари очилганини маълум қилди.

Шунингдек, Хитой Халқ банки билан Ўзбекистон Марказий банки ўртасида сўм ва юань айрибашлаш тўғрисида битим имзоланди. Бу сармоя ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари билан бўлган музокаралар икки томонлама муносабатлар жадал ва изчил ривожланаётганини ҳамда устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ эканини ёрқин намойён этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовга Хитой иқтисодиётининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини қоплаш учун Ўзбекистон стратегик хом ашё товарларини етказиб бериш сезиларли даражада кенгайтирилган учун миннатдорлик билдирди. Бунинг натижасида икки томонлама товар айрибашлаш ҳажми сўнгги беш йилда тўрт баробардан зейдор ошди.

Бу борада Хитойга узоқ муддатли ва муттасил равишда пахта толаси, табиий газ, уран концентрати, рангли металллар, нодир ва камбە элементлар, минерал ўғитлар каби стратегик товарлар етказиб беришни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан томонлар Стратегик товарлар савдоси тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг амал қилиш муддатини 2020 йилгача узайтиришга келишиб олдилар.

ХХР раҳбарияти ташриф асносида “Ўзбекистон — Хитой” газ қувурининг учинчи тармоғини барпо этиш тўғрисидаги битим имзолангани муҳим аҳами-

ятга эга эканини таъкидлади. Шу тариқа қувурнинг газ узатиш қуввати йилга 25 миллиард куб метрга етказилади.

Давлатлар раҳбарлари стратегик материаллар етказиб бериш борасидаги ҳамкорлик принциплал аҳамиятга эга бўлса-да, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадида мамлакатимизга юқори технологияларни жалб қилиш билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар ижроси эканини қайд этдилар.

Ташриф доирасида кимё, нефть-газ, энергетика, транспорт соҳаларида йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар, жумладан, Деҳқонобод қалийли ўғитлар заводи ва янги навабтиннинг эҳтиёжларини қоплашга асосланган, Ангрэн шаҳрида автомобильлар ва қишлоқ ҳўжалиқ техникаси учун шиналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, конвейер лентасини ишга тушириш, шунингдек, бутадийон каучук, сульфитрилган табиий газ, металл, монохлоруксусли кислота ишлаб чиқариш, иссиқлик электр станцияларида янги энергия блокларни қуриш, қўмир саноатини модернизация қилиш ва ривожлантириш, замонавий электровозлар етказиб бериш каби йўналишларга қаратилган.

ХХРнинг етакчи телекоммуникация компаниялари — “Хуawei” ва “ЗТЕ” билан қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Хитойни боғлайдиган ишончли коридорлар барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шарқий Хитой — Навоий аэропорти — Европа ҳаво йўлини очиб ҳамда Ўзбекистон ва Хитойни энг қисқа йўллар билан боғлайдиган темир йўл магистралини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, Хитой Ўзбекистонга узоқ муддатли асосда ҳамкорлик қиладиган ишончли шерик, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Ташрифнинг яна бир муҳим натижаси Ўзбекистон билан ХХР

ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилади.

Ташриф якунларига доир энг муҳим ҳужжат давлатлар раҳбарлари имзолаган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларация бўлди. Унда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни узоқ муддатли асосда ривожлантириш истиқболларига берилган баҳо ўз аксини тоғди.

Томонлар БМТ ва бошқа етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасидаги конструктив ҳамкорликдан мамнуний изҳор этдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ривожлантиришга қаратилган эътибор муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, савдо-иқтисодий, сармоя, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг пухта ўйланган вазири ва оқилона сиёсатини, ягона Хитой масаласи бўйича принципал позициясини, “уч ёвус куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши муросасиз курашини ҳамisha қатъий қўллаб-қувватлайди.

Хитой томони Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиё суви-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари борасидаги ташвишларини тўлиқ англашини маълум қилди. Умуман, ташриф асносида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идораларо даражадаги 25 дан зейдор ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида бир қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш қўзда тутилди. Уларнинг умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов самимий қабул ва меҳмондўстлик учун ХХР Раиси Ху Цзиньтаога миннатдорлик билдириб, уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди ва бу таклиф мамнуний билан қабул қилинди.

(ЎЗА). Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

Ташриф дастури тадбирларга бой бўлиб, кетма-кет қатор учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг самолёти Пекин шаҳри аэропортига кўнганидан кейин бир соат ўтар-ўтмас, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши биносида Ислон Каримовни тантанали расмий қутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида Ислон Каримов ва Ху Цзиньтаонинг музокаралари ўтказилди ва кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Музокара аввалида Ўзбекистон Республикаси Президентини “Ўзбекистон делегациясининг ушбу ташрифига мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни жадал ривожлантириш жараёнининг манфиқий давоми, ҳар икки томонни қизиқтирган гоёт муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш ва уларни муҳокама қилиш, самарали ҳамкорлигимизга янги суръат бахш этиш имконияти сифатида қараймиз”, деб таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг

ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий соҳада, хавфсизлик муаммолари борасида, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Бўлиб ўтган музокараларнинг мазмун-моҳияти ва муҳокама қилинган давлат аҳамиятига молик йирик масалаларнинг қўламини томонлар ўзаро муносабатларнинг кун тартибига қўйилган масалаларига, мамлакатларимиз олдидан турган стратегик вазиқфаларни ҳал этишга нечоғли жиқдий ёндашганини намойён этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларининг янги даврига, сифат жиқатдан янги босқичга қадам қўяётганини, бу босқич юқори технологиялар соҳасида кенг қўламли ҳамкорлик бошлангани билан изоҳлашини таъкидлади.

Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим келишувларга эришил-

ди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Вэнь Цзябао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг музокарасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни яқин йилларда тубдан кенгайтириш бўйича эришилган келишувларни амалиётга жорий этиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг қўламли тузилмавий янгилашларга юксак баҳо берди ва юқори технологиялар соҳасида, жумладан, саноат ва технология парклари яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Раиси У Банго билан учрашди.

Мулоқот чоғида давлатлараро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ма-

салалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда ХХР ташки ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди. Конструктив ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат асносида Ўзбекистон ва Хитойнинг сиёсий-дипломатик соҳасидаги ҳамкорлигига доир гоёт муҳим масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ХХР савдо вазири Чэнь Дэминь ҳамда Хитойнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

ХХР савдо вазири ва Хитой ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари ташриф асно-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Бугун юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, жамият ҳаётида сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ношжорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат фондлари, ҳаракатлар, диний ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтиришга, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратилди, бу борада барча зарур ҳуқуқий асослар яратилди, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилди.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим талабидир

Маълумки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, энг аввало, инсон ҳуқуқлари таъминланиши кафолатлаш билан уйғун жараёнлидир. Инсон, унинг манфаатлари олий қадрият, деб тан олинган юртимизда бунинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, Президентимиз ташрифи билан айтганда, ислохот ислохот учун эмас, аввало-лабдор, инсон учундир. Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси

давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”-ги қарориде илгариде сурилган “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шiori замирида ҳам мана шу гоё маъносидир.

Бу шior инсон манфаатларини улуғлашга, ҳар биримизни жамият раваннаки йўлида амалга оширилайётган ўзгаришларга нисбатан лоқайд бўлмасликка,

(Давоми 2-бетда).

ТЕРМИЗ МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, ёрқин келажакнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етишида жисмоний тарбия ҳамда спорт катта аҳамиятга эга. Зеро, Юртбошимиз тазбири билан айтганда, “Айнан ёшлик чоғидан спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик ва мардлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, таъбир жоиз бўлса, аввало, ўз устидан ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, мустаҳкам иродага эга бўлиши учун пухта замин яратати”.

Шунинг учун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни спортга кенг жалб қилиш, шу орқали

жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий

ва моддий-техник пойдевор яратилгани эса кўзланган чўққиларни бирин-кетин забт этиш имконини бермоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ КУШАНДАСИ

Кексаларимиз ҳар доим дуога қўл очганларида, “Ўт балосидан, сув балосидан Яратганнинг ўзи асрасин”, дейишади. Болалигимда буларнинг маъносига унча бормас эдим. Улғайиб, ана шу ҳикматли сўз бежизга бот-бот такрорланмаслигининг боисини англаб етдим.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган табиий ва техноген офатлар ҳақида деярли ҳар кунини газета-журналларда ўқиймиз, ойнаи жаҳонда кўрамыз, радиода эшитамиз, интернет орқали хабар топамиз. Ёши улғулар билан дунёдаги воқеалар ҳақида суҳбатлашсангиз, ўтаётган тинч ва осийишга кунларимизнинг қадри олтиндан ҳам қиммат эканлигини айтишади.

Акс садо

Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу нуқтасида содир бўлаётган турли кўнгилсиз ҳодисалар, энг аввало, инсоният учун оғоҳлик ва ҳушёрлик бонги эканлиги ойдек равшан. Ҳамма жойда ҳам шундайми? Афсуски, йўқ. Яқинда чоп этилган Роғун ГЭСи қурилиши натижасида келиб



Қишлоғу шаҳарларимизда замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари қад ростлаб, ўғил-қизларимизнинг сеvimли масканига айланаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

(Давоми 4-бетда).

ЕРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Фермерлар фаолиятининг асосий мезонига айлиниши керак

Ер — бебаҳо хазина. Ундан баҳраманд бўлиш учун эса заминга меҳр бериб ишлаш керак. Ана шунда у бор соҳаватини кўрсатади. Мамлакатимизда фермерлик характерини ривожлантириш замирида, аслида, қишлоқ ҳўжалиғи ерлардан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш орқали тармоқда самарадорликни кучайтиришдек эзгу мақсад муҳимдир.

Президентимизнинг “Фермер ҳўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан, фермерлар зўр мамнуний билан қарши олдик. Сабаби, пайда фермерларнинг ерлари оқилона фойда-

кўрсаткичлари ва бошқа жиқатлари бўйича оптималлаштирилди. Натижада кичик фермер ҳўжалиқлари ўрнида иқтисодий барқарор ва кучли техника базасига эга бўлган йирик фермер ҳўжалиқлари вуқудга келди. Агар дастлабки пайда фермерларнинг ерлари йириклаштирилгани маъсулиятини янада оширишга хизмат қилади. Тажрибали, изланувчан ва фойдали деҳқонлар фаолияти қўллаб-қувватланиб, уларнинг фаолияти кенгайтирилишига катта имконият яратилмоқда. Фармонда таъкидланганидек, бу жараёнда ҳар бир масалага адолат билан ёндашилиб, қонун устуворлигини таъминлаш бош мезонга айлиниши керак.

Маълумки, охириги уч йилда фермер ҳўжалиқларининг ер майдонлари ҳосилдорлиғи, агротехнологияси, иқтисодий

ган бўлса, кейинги босқичда иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил этилиб, уларнинг фаолияти мақбуллаштирилди. Бироқ айрим фермерлар фаолиятида қонунни четлаб ўтиш ҳолатлари учраётгани ачинарлидир. Шу маънода, Президент Фармони аниқ вақтда қабул қилинганлиғи билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Унинг ижроси соҳада амалга оширилган ишларда қонунлар устуворлигини янада кучайтиради.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

фаол фуқаролик позицияси асосида меҳнат қилишга бир чорловдир. Бу эзгу-мақсадларга эришишда нафақат давлат бошқаруви органлари, балки жамиятнинг барча бўғинлари бирдек ҳамжиҳатликда иш юритиши айна муддаодир. Шу маънода айтганда, Президентимиз Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

институтларининг фаолиятида юқори даражада уюшқоқликни, уларнинг салоҳиятини кучайтиришни, ташкилий, молиявий ҳолатини тубдан яхшилашнинг талаб этади. Зеро, мазкур қонун ҳужудларни ҳар томонлама ривожлантириш, турли ижтимоий масалалар ечимини топишда нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги ва шерикчилигини янада таъминлашга катта шароит яратеди. Умуман, ижтимоий шериклик — хилма-хил фикрга эга бўлган ин-

ни рўёбга чиқаришда нафақат давлат муассасалари, балки жамият ҳаётида у ёки бу гуруҳлар манфаатини илгари сурадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаол қатнашади. Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Нуруний" жамғармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси сингари 5 мингдан ортиқ но-

қучли ижтимоий ҳимоялаш мужасам эканлигини ҳисобга олсак, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш, нафақа ва моддий ёрдамларни белгилаш, ишсизларни иш билан таъминлашдаги вазифаларда маҳаллаларнинг ўрни ортиб бормоқда. Хусусан, кам даромадли оилалар, беморлар, ногиронлар, қари-ялар, етим ва қаровсиз болаларга маҳалла орқали ёрдам кўрсатишда адолат тамойилига амал қилинади. Бу эса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат вазифаларининг муваффақиятли бажарилишига имкон яратмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ижтимоий шерикчиликнинг амалий асослари, ҳаётий мисоллари борлигидан далolatдир. Ижтимоий ҳамкорлик аниқ муаммони биргалликда ҳал этган ва уни ҳал қилишга қиришган томонларнинг тенг ҳуқуқлиқка асосланган, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатлариридир. Шу боисдан у профессионализмни, юксак масъулиятни тақозо этади. Шундангина уларнинг ҳамкорлик фаолиятлари самарали бўлади, ҳар қандай муаммонни ечимини топиш янада осонлашади.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнаомлигида кўҳна қадриятларимиздан бири — деҳқончилик сифат жиҳатидан ривожланишинг янги босқичига кўтарилди. Бунинг учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Пировардиде деҳқонларимиз "кўкрагига шамол теғди", энг муҳими, улар бугун тишлюқда ислохотларни амалга оширишининг қишрчан қучига айланди.

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, ушбу ҳуқуқий ҳужжат юртимизда деҳқончиликнинг ривож топишиде муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. — Деҳқон хўжаликлариде фаолиятида юз берган таркибий ўзгаришлар ҳамда чора-тадбирлар натижасиде тармоқда янги ҳуқуқий муносабатлар вуҷудга келмоқда, — дейди кўмита аъзоси Н. Отахонов. — Шундан келиб чиқиб, соҳага оид қонунчилик нормаларини такомиллаштириш зарурати туғилапти. Давра суҳбатиде "Деҳқон хўжаликлариде тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштиришга бағишланган ушбу тадбирде қонунчилик палатасиде депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, олимлар ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Масалан, ҳозирги кунда юртимизда деҳқон хўжаликлариде қариб 700 минг гектар ерда фаолият юрятапти. Биргина ўтган йили 1,3 млн. тонна галла, 875 минг тонна мева, 4 млн. тонна сабзавот ва қишлоқ хўжалиғиде маҳсулотлари етиштирилди. Табиийки, бу борадағи мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш халқимизде фаровонлиғини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу йилда соҳанинг ҳуқуқий асосларини замонавий боѕор талаблариде асосида мукамаллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Нукун шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасиде хотин-қизлар бандлиғини таъминлашга кўмаклашиш" мавзусиде семинар ташкил этилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тадбирде сўзга чиққан Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳақиде тўхталар экан, мамлакатимиз хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишла-ридағи иштироки тобора кенгайиб бораётгани ҳамда улар ўрта-тадбиркорлик ва касаначилиғини ривожлантириш борасиде кенг қўллами ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда минтақаде аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиғини мустақкамлаш борасиде амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Шунингдек, жорий йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасиде ҳудудда истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали

хотин-қизларнинг иш билан бандлиғини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу жараёнда касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Жумладан, уюшмалар маблағлари ҳисобидан жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасиде 30 нафар кам таъминланган, кўп болали аёллар иш ўринларига жалб этилди. Жумладан, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилиғини ривожлантириш борасиде кенг қўллами ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда минтақаде аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиғини мустақкамлаш борасиде амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Шунингдек, жорий йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасиде ҳудудда истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали

Республикасиде 30 нафар кам таъминланган, кўп болали аёллар иш ўринларига жалб этилди. Жумладан, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилиғини ривожлантириш борасиде кенг қўллами ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда минтақаде аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиғини мустақкамлаш борасиде амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Шунингдек, жорий йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасиде ҳудудда истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали

Тадбир

Ҳидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим талабидир

концепцияси"да илгари сурилган ғоя ва вазифаларнинг аҳамияти жуда катта. Чунончи, Концепцияда фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришишда, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошқоралиғи ва самарадорлиғини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши лозимлиғи алоҳида таъкидланган. Бундай қонун, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳаларда давлат идоралари билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиғини ҳам назарда тутди. Яъни жамият ҳаётининг турли-туман йўналишларида истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган муқобил йўллар ҳуқуқат, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг бу борадағи ишлари билан бир қаторда ҳаётга таъбиқ этиш учун қабул қилинади.

сонлар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидағи ҳамжиҳатлиғидир. Маълумки, турли мақсадга, ниятга эга инсонларни бир мақсад йўлида бирлаштириш ғоят мушкул вазифа ҳисобланади. Аммо Ватан равнақи, юрт тинчлиғи ва халқ фаровонлиғига эришиш йўлида ана шу ғоялар, мақсад ва ниятлар яқдиллашади. Шу нуқтага назардан айтганда, ижтимоий шерикчилик деганда умумжамият манфаатлари йўлида давлат, нодавлат, бизнес тузилмаларининг ва фуқароларнинг уйғун, ўзаро ҳамкорликда иш юритиши тушунилади. Ижтимоий шерикчилик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлиғи, турли миллат, irq ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиғи, илгор ғояларнинг уйғунлиғи, ҳар бир шахс ўзининг масъулиғини сезиши, жамиятда тинч-тотувлик ва барқарорлик асосида шаклланиди, ривожланади. Шу орқали жамият аъзолари ўртасида ўзаро муносабатлар ривожланиб, кишиларда муносиб ҳаёт кечириш учун тенг имкониятлар пайдо бўлади.

давлат нотижорат ташкилотлари бу борада муайян ишларни амалга оширишмоқда. Булар қаторида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақкам ўрин эгаллаганини айтиш жоиз. Бугун республикамиздағи қарийб ўн мингга яқин маҳалла-лар маънавий муҳит барқарорлиғини таъминлаш, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оила ижтимоий институтини мустақкамлаш, соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, кам таъминланган оилалар ва фуқароларга ижтимоий, маънавий ёрдамлар кўрсатиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик сазй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш каби долзарб масалаларни муваффақиятли ҳал этишдағи ваколатларини самарали бажармоқда. Муҳими, бу вазифаларни рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти идоралари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани ҳам улар фаолиятининг салтомтини кўрсатади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида аҳолини Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини ҳаётга таъбиқ этиш жамиятини янгилаш ва демократлаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг муҳим омилдир.

Қисқача айтганда, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти учун кенг имкониятлар яратилиши муҳим ҳуқуқий базаси юзага келади. Бу фуқаролик жамияти институтлари давлатга ҳамкор ва шерик сифатида намоён бўлади, деганидир. Айни чоғда республикамиздағи "учинчи сектор" вакилларининг, яъни фуқаролик жамияти

Ақбар НАБИРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходими.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Табиийки, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка сўзсиз риоя қилиниши лозим. Айни пайтда фермер зиммасига олган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини чуқур таҳлил этиб бориши зарур. Чунки иқтисодий ва техник жиҳатдан бақувват фермер хўжаликлариде сафи қанчалик кенгайса, соҳада самарадорлик шунчалик ортади. Бунга бизнинг фермер хўжалиғимиз фаолияти яққол мисол бўла олади.

ЕРДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ

фермерлар фаолиятининг асосий мезонига айланishi керак

Хўжалиғимиз ташкил этилган 1995 йилда жами 60 гектар ерда деҳқончилик қилинган, ерга ишлов бериш, ҳайдаш, экиш ва бошқа жараёнлар битта техника ёрдамида бажарилади. Ҳосилдорлик, даромад ҳам шунга яраша эди. Ширкат хўжаликлариде хўжаликларига айланishi даврида еримиз анчагина кўпайтирилди.

Еринг кенгайishi ҳисобиде олинган йирик миқдордағи даромад ҳисобидан бир неча қишлоқ хўжалиғи техникалари сотиб олди. Ҳозирги вақтда 7 та "МТЗ" трактори, 3 та ҳайдов трактори, битта галла ўриш комбайни, шунингдек, экиш ва юк ташуш техникаларига эгамиз. Уларнинг қучидан унумли фойдаланиб, экинларга ўз вақтида, сифатли ишлов бераймиз. Наҳада шартнома мажбуриятидан ошириб ҳосил олинапти. Утган йили давлатга 384 тонна пахта хом ашёси сотдик. Бу йил 40 гектар ерда галла, 150 гектар ерда пахта етиштиряймиз.

Албатта, бу муваффақиятлар соҳада изчил олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижасидир. Демак, фермер хўжаликларини оптималлаштиришдан қўлдан қасд ҳам фермерларнинг иқтисодий салоҳиятини мустақкамлаш, рентабеллигини ошириш экан, бу жараёнда қонун устуворлиғига эришиш ўша муҳимдир.

Бўри ҚОРАЕВ, Ҳузур туманидағи "Бурҳон" фермер хўжалиғи раҳбари.

ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

йўловчиларга қулайлик туғдирмоқда



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларга тадбиркорлик фаолияти жадал кириб бормоқда. Бу эса соғлом рақобат муҳити юзага келиши ва пировардиде аҳоли турмуш фаровонлиғи юксалишида муҳим омил бўлаётди.

бўлган масофада транспорт қатновини амалга оширган бўлса, жорий йилда уларнинг сонини 13 тага етказдик, — дейди мазкур жамият раҳбари Баҳодир Айхожджаев. — Натижада йўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратилиб, қатнов мuddатининг оралик вақти 15 дақиқадан 5-7 дақиқача қискарди, қўшимча иш ўринлари очилди. Жамоамизда хизмат қилаётган 19 нафар малакали ҳайдовчи, 3 нафар механик, шифокор, диспетчер ҳамда хисобчи ҳамшаҳар-

ларимизнинг манзилни яқин қилиш мақсадида изчил иш олиб бораётди. Шу билан бирга, жамият томонидан микроавтобусларнинг бош тўхташ жойи — "Чилонзор" метроси автобекетида йўловчилар учун замонавий махсус ўриндиқлар ўрнатилгани, транспортларнинг салонлари мунтазам янгиланиб борилаётгани, ҳайдовчилар Чилонзор туманидағи ўқув комбинатида малака ошириш курсларида ўқитилаётгани, автотранспортлар доимо техник кўриқдан ўтказилаётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Баҳодир Айхожджаевнинг айтишича, жамиятнинг аҳолига хизмат кўрсатишда барқарорлиқни таъминлаб, юқори натижаларга эришишда диспетчер Маъруфжон Хайдаров, шунингдек, Шўҳрат Раҳимов, Мавлон Расулов, Салоҳиддин Хусанов, Дилшод Соатов, Дилмурод Мансуров, Пётр Реснянский сингари ҳайдовчиларнинг ҳиссаси, айниқса, катта. Улар беминнат хизматлари билан йўловчилар хурмати-га сазовор бўлишмоқда. "Showaris avto tex xizmat" жамоасининг эзгу нияти, аслида, шундан иборатдир.

Шомурот ШАРАПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Муаллиф олган сурат.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ КУШАНДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана шу машўм воқеалар туфайли қўллаб одамлар ҳалок бўлганлиғи, қанча-қанча болалар етим қолгани, ота-оналар ўз фарзандидан айрилганига қайси юрак дош бера олади? Ахир ўз юрти осойишталиғи, халқининг фаровонлиғини ўйламаганлар табиат инжиқликлариде олдида ҳамшира ожиз эканлиғини қандай англаб етсин? Халқимизда "Дунёни сув босса, тўпунига чиқмайди", деган ибора бор. Бу дунёдағи энг баянд тўғон, энг йирик сув омборларидан бири ва у ерга денгизни жойлаштириши мақсад қилиб Роғун ГЭСини кураётганлар учун айтилгандек. Мана шундай "энг, энг"лар ортидан қувши энг даҳшатли экологик офатни келтириб чиқармаслиғига қим қалолат беради? Мана шундай пуч лойиҳанинг амалга оширилиши аср ҳалокатига сабаб бўлмаслиғига-чи? Бундай

хавф-хатар ҳақиде гапиришнинг ўзи совуқ тер чиқаради. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу гидроншоот сейсмик жиҳатдан фаол, зилзила, сел ва қўчкилар кўп бўлиб турадиган хавфли ҳудудда қурилмоқда. Бу ерда охириги юз йилдан ортиқ вақт давомиде айирмадан зиёд 8-9 балии ер силқинишлари кузатилган экан. Шундай гапларни эшитган барча қардош халқларнинг қайвони она-хонлари "Ҳудудинг ўзи асрасин" дея, ёқасига туғлаб қўйишади.

Агар 12 миллиард куб метрдан зиёд сувни тўплаган мўлжалланган Роғун ГЭСида қурилаётган сунай тўғонга зилзила туғайли пупур етса, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг 1,5 миллион гектарлик ер майдонлари, беш миллионга яқин одам истикомат қилаётган 700 дан ортиқ аҳоли пунктлари бир неча соат ичида сув остида қолади. Ўз-ўзидан маълумки, минглаб тинч аҳоли вакиллари, уй-жойлар

ва бошқа иншоотлар, йўллар гарқ бўлади. Ичимлик суви, газ, электр таъминоти бутунлай издан чиқади. "Кемага тушганнинг жони бир" деган гап бежиз айтилмаган. Мақолада Роғун ГЭСи суначки ишлаб турса хам Амударёнинг қуйи қирғоқларида ашаб келаётган аҳолининг яшаш шароити кескин ёмонлашиб, дарё сувининг минераллашуви икки баробарга ошиши, қишлоқ хўжалиғи экинлари, балик етиштириш ва уларнинг қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқлар кўрадиган иқтисодий зарар беш йил ичида салкам 20,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиши қайд этилган. Бунинг устига табиий биохилма-хиллик бузилиб, минтақадағи экологик мувозанат издан чиқади, сув танқислиғи қучаяди, тупроқ унумдорлиғи пасайиб, чўл ҳудудлари қўлаёди. Муаммо қўлами шунга яраша кенгайиб бораверади.

Бундан Тожикистон фуқароларининг ўзлари ҳам норозилиғи барчага маълум.

Ишсизлик, камбағаллик ва турли касалликлардан қийналаётган қардош халқ аҳолисини номи улғу, супраси қуруқ, тағи пуч режалар баттар мушкуллаштираётганини, нафақат ўзининг, балки бошқа давлатлар аҳолисига фожиа жарлиғи ярататганини наҳотки Тожикистон раҳбарияти билмаётган бўлса? Жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам Тожикистоннинг оидий фуқароларида бир неча йилдан буюн ҳали қурилмаган Роғун ГЭСининг қимматбаҳо акциялари мажбурий тартибда сотилаётгани, қолаверса, унинг қурилишини яқунлаш учун яна икки миллиард АҚШ долларидан зиёдроқ маблағ керак эканлиғи ҳақиде хабарлар тарқатилмоқда. Булар халқ тақдирига бепасандлик билан қараш, она-замин неъматларини асраб-авайлашдек бобомерос қадриятларини топташдан бошқа нарса эмас.

Юртбошимизнинг трансчегаравий дарёларда сув иншоотларини қуришга мўлжалланган ҳар бир лойиҳа мустақил

халқаро экспертиза натижаларига асосланган ҳамда қўшни давлатлар билан келишланиш ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарурлиғини таъкидлаши, трансчегаравий дарёларда атроф-муҳитга, кишилар ҳаётига зарар қўрқатувчи улкан гидроншоотлар ўрнига кичик ГЭСларни қуриш мақсадағи мувофиқлиғи, бундай иншоотларнинг ҳар томонлама самарали, арзон ва экологик жиҳатдан хавфсиз эканлиғи тўғрисидағи фикрлари дунё олимлари, жаҳон ҳамжамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватланган эди.

Хулоса қилиб айтганда, тинч аҳолининг ҳар бир вакили — ота-она, ёш авлод қўшни давлат ҳуқуматининг бу масалада ўз вақтида тўғри ва адолатли хулоса чиқариши, шу асосда минглаб одамларнинг осойишта ҳаётига раҳна солмаслиқини таъминлаш тарафдоридир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ақбар РАҲМАТОВ, ЎзДЖТУ талабаси.



Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Чунки ушбу соҳанинг рагнак топиши қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этиш, жумладан, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда шу орқали уларнинг даромади ва турмуш даражасини оширишга эришишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўтган йиллар мобайнида қўлга киритилган натижалар бунинг яққол тасдиғидир. Масалан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи мазкур сектор улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизга яқини ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги имкониятларни рўйбога чиқаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётди.

Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида хусусий сектор фаолияти ҳақида тўхталиб, уни қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Хусусан, ўз маърузаларидан бирида қуйидаги фикрни билдирган эдилар: “Мамлакатимиз келажакни белгилаб берадиган бу тоифа вакиллари шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг рагнак йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олинлар”.

Мана шундай ёндашув ва оқилона сиёсатнинг амалда ўзифодасини топишига муносиб ҳисса қўшиш учун мамлакатимиз молия муассасалари ҳам астойдил интилоқдалар. Масалан, биргина “Агробанк” ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси фаолиятини олайлик. Иқтисодиётнинг аграр секторини янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чу-

қурлаштириш, фермерлик харақатини қўллаб-қувватлаш ва кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида бошқарма томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мазкур жамоа 11 минг 300 дан ортиқ миқоз хизматига бўлиб, шунинг 80 фоизи ёки 9080 таси кичик бизнес субъектларидир.

2011 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, “Агробанк”нинг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан 162 та кичик бизнес субъектига 4,9 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шунинг 4,8 миллиард сўминини 160 та кичик бизнес субъектига банк ўз маблағлари ҳисобидан, қолган икки миқозга 80 миллион сўм миқдордагисини Деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан йўналтирди. Эътиборли жиҳати, ушбу кредит ҳажми ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 1,4 миллиард сўмга кўпдир. Албатта, банкнинг молиявий ёрдами ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ҳам янги иш ўринларини ташкил этишга замин яратди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми 4,5 миллиард сўмдан ошгани, 577 та иш ўринлари вужудга келгани бунинг

тасдиғидир. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ажратилган кредитларнинг 1,5 миллиард сўмдан ортиги микрокредитлар бўлиб, улар халқ истеъмол моллари, қишлоқ ҳўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантириш учун жалб этилди.

Мамлакатимизда аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини ижтимоий кўмаққа қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, улар ижросини таъминлаш орқали

фаатларини таъминлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, интеллектуал ҳамда маънавий салоҳиятини рўйбога чиқариш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторидан жой олди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётди. Фармонда аёллар бандлигини таъминлаш масаласи муҳим ва-

вий марказ ишга туширилиб, 20 дан ортиқ иш ўринлари барпо этилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими, шу орқали аҳолига ҳам қулайлик яратилди, ҳам бандлик масаласи ижобий ҳал этиляпти.

Униб-ўсиб келаётган, куч-қувватга тўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шарт-шароитни яратиш бериш борасида ҳам юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқ-

да берилган вазибаларни амалга ошириш мақсадида дон қорхоналарининг Галлаорол ва Бахмал туманларида паррандачилик комплексини барпо этиш лойиҳасини молиялаштириш бошланган бўлиб, 1 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

Бугунги кунда вилоятда аҳолининг гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида 4,5 миллиард сўмликдан ортиқ 10 та лойиҳани молиялаштириш босқичлари амалга оширилмоқда. Пахтакор туманидаги “Харидор барака” хорижий қорхонасининг 790 млн. сўмлик қийматдаги, суткасига 500 кг. гўштни қайта ишлаш қувватига эга бўлган қолбаса ишлаб чиқариш қорхонаси, Зарбдор туманидаги “Ўткир полвон” фермер ҳўжалигининг 632 млн. сўмлик зотли чорва молларини етиштириб, сўт маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳалари бунга қўллаб-қувватланди.

Вилоятда галлачилик ва пахтачиликни ривожлантириш, уларга агротехник хизматларни ўз вақтида кўрсатиш мақсадида замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари сотиб олиш учун шу йилнинг ўзида 53 та фермер ҳўжалигига 963 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар қишлоқ ҳўжалиги кўлтиваторларини, чигит экиш севялкаларини, республикамизда ишлаб чиқарилган “ТТЗ — 80” русумли трактори, Беларусь давлатининг “КТЗ — 80У” русумли ҳамда Моря Республикасининг “ТЛ”, “ТС” русумли юқори унумли ҳайдов тракторларини сотиб олишда қўл келди.

Бугунги кунда вилоятда тоқзорлар ташкил этиш, мевали қўчатлар, полиз экинлари ва картошка уруғлари сотиб олишни молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк филиаллари томонидан ушбу мақсадларга 336,2 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, аҳолига 784 минг донадан зиёд мевали ва манзарали қўчатлар, 11,1 тонна сабзавот ҳамда полиз уруғлари етказиб берилди.

Жиззах туманидаги “Расул Қурбанов” фермер ҳўжалигига 15 гектар ер майдонига эга бўлган сув ҳавзасида баллиқчиликни ривожлантириш мақсадида 25 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Шунинг эвазига ҳозир ана шу жойда 5 хил турдаги баллиқ чавоқлари парвариш қилинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб

Мухтасар қилиб айтганда, “Агробанк” ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси жамоаси юртимизни янада обод қилиш, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларга ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бундай олижаноб ва хайрли ишлар банкнинг кейинги фаолиятида ҳам устуворлик касб этиб қолаверад.

«Агробанк» ОАТБ матбуот хизмати.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, даромадини ошириш ҳамда эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аҳолини иш билан таъминлаш, бозорни чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларининг ролини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

“Агробанк” ўз фаолиятида ушбу йўналишга ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда. Банкнинг Жиззах вилояти бошқармаси ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар кредит ресурслари ҳисобидан 50 та шахсий ёрдамчи ҳўжалигига 119,6 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратган бўлиб, шунинг эвазига 100 бошдан зиёд чорва моллари сотиб олинган. Бу борадаги сый-ҳаракатлар бундан кейин ҳам давом этиляпти.

Хотин-қизларни эъозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бизда энг эзгу қадриятлардан бири саналади. Бундай олижаноб муносабат, айниқса, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида янада кучайди. Хусусан, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва ман-

зифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Шулардан келиб чиқиб, банк филиаллари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 890 нафардан ортиқ тадбиркор аёлларга хизмат кўрсатилди. Ушбу мақсадларга ажратилган кредит маблағлари қолдиғи 1,9 миллиард сўминини ташкил этади. Айтиб ўтиш керак, жорий йилнинг шу кунига қадар 38 нафар тадбиркор аёлга 482 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Банк сармоси халқ истеъмоли моллари, саноат,

Молия муассасаларида

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини янада ривожлантиришга туртки бўлди. Энг муҳими, 50 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

“Агробанк” ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 18 та кичик бизнес субъектига 597,5 млн. сўм миқдорда кредит ажратган бўлиб, бунинг эвазига қишлоқ жойларда маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилди, 75 дан зиёд иш ўрни очилди. Биргина мисол. Жиззах шаҳридаги “Ал-олим мўъжиза” масъулияти чекланган жамиятига шаҳарда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш учун 250 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобига замона-

ларда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини 21 нафарига ўз бизнесини ривожлантириши учун 167,7 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди, 25 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Мамлакат иқтисодиётининг аграр секторини барқарор ва жадал ривожлантириш, тарихий ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчиллаштириш ва янада чўқурлаштириш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи янги замонавий, ихчам қорхоналарни кўплаб барпо этиш, ички бозорни арзон маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан етарли даражада тўлдиришга қаратилган муҳим лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги сый-ҳаракатлар ҳам қўтилган сама-

ларда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини 21 нафарига ўз бизнесини ривожлантириши учун 167,7 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди, 25 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида ҳафтанинг **ЖУМА** куни **«Тадбиркорлар куни»** деб эълон қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг **ЖУМА куни соат 9.00 дан 13.00 гача** республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳоқимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан қўриб чиқилиши таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар: **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси: (8-371) 150-60-06, 150-60-05; (8-800) 120-04-04** (ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат уй телефонларидан амалга оширилиши мумкин).
E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz

Махсус механизациялашган йўл станцияси

2011 йил 21 апрель куни бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказадимиз.

- Юк автомашиналари ҳайдовчилари (1 ва 2-классга эга, автомашиналарнинг юк кўтариш қуввати — 35 тоннагача)
 - Меҳнат стажы 5 йилдан кам бўлмаган **экскаваторчилар**
 - Меҳнат стажы 5 йилдан кам бўлмаган **бульдозерчилар**
 - Меҳнат стажы 3 йилдан кам бўлмаган **геодезистлар**
 - Меҳнат стажы 3 йилдан кам бўлмаган **ошпазлар**

Меҳнат қурилиш объектида вахта усулида олиб борилади.

Ярмарка қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Бехтерев кўчаси, 113/10.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«КЧМ» ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

Табий газ, куруқ ва суюқ ёнилғида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.

Шунингдек:

КАФЕЛЬ (девор ва пол учун)

САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва умывальниклар)

ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ

Тел./факс: 267-35-73.

Савдо шохобчаси — Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127. zakamsk-group@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги 94-сонли қарорига асосан Самарқанд вилояти “Таъминотсавдо” ассоциацияси тугатилмоқда. Даволат эълон чиққан кундан эътиборан, бир ой давомида Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 147-уйда қабул қилинади. Мурожаат учун телефон (8-366) 222-71-50.

ТИНЕ **ufi Approved Event** **МАМЛАКАТНИНГ БОШ ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ**

СИЗНИНГ ТАКЛИФНОМАНГИЗ

16-ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

2011 йил 27 — 30 апрель «Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

ТАШКИЛОТЧИЛАР: **ufi** **ITE UZBEKISTAN** **ITE UZBEKISTAN & CONGRESS LTD**

Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Мустақиллик йўлининг 59-«А» уйи. Тел.: (+998 71) 113 01 80, факс: (+998 71) 237 22 72. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, www.ite-uzbekistan.uz

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкори **CAS Corporation (Жанубий Корея)**

ТАРОЗИ ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, ТАМҒАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ЎРАШ ВА ШТРИХ-КОДЛАШ

Биз дунёни ўлчаймиз!

«SW» РУСУМИ «MWP» РУСУМИ «DL» РУСУМИ «HERCULES» РУСУМИ

БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!

— Тўйпена кўчаси, 5-уй (ИИББ қаршисида), тел.: (+998 71) 232-06-61, 233-58-99, 233-60-07;
— Кичик Бешёғоч кўчаси, 86-уй (Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ДАН қаршисида), тел.: (+998 71) 281-43-64, 281-47-24, факс: (+998 71) 281-43-65;
— С. Азимов кўчаси, 72-«А» уй (ЎЗР Патент идораси қаршисида), тел.: (+998 71) 236-04-49, факс: (+998 71) 232-06-85.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz



ТЕРМИЗ МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилган уч босқичли мусобақалар тизими — умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-хўнар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ҳамда олий ўқув юртлири талабаларининг Универсиада спорт ўйинлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Зотан, уларнинг спортни оммавий ҳаракатга айлантириш асосида илғири тўқ, фикрию зеҳни ўткир ёш авлодни камол топтиришдаги аҳамияти катта. Боз устига, ушбу ноёб тизим халқаро миқёсда ҳам бир неча бор эътироф этилганидан қалбларимиз фахру ифтихорга тўлди.

Мана шундай ажойиб ва ўзига хос навқиронлик олим-

қил этиш, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш йўлидаги салмоқли ишлар шундан далolat бериб турибди. Чунинчи, шаҳардаги олимпия захиралари коллежи ҳамда Термиз давлат университетининг ўқувчи ва талабалар тураржойлари, ошонаси, 2-сонли академик лицей, педагогика, санъат коллежларидаги тураржойлар, 1-сонли академик лицей ва "Тумарис" ошонаси деярли шай ҳолатга келтирилди.

Бу каби масъулиятли ишларни бажаришда Бухородаги "20-трест" МЧЖнинг 3-вакилиги жамоаси катта ҳисса қўшди. Умуман, бунёдкорлик ишлари, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда ободонлаштириш бир маромда олиб борилаётганлиги "Баркамол авлод — 2011" мусобақаларининг кўнгилдагидек ўтишида муҳим аҳамияти касб этади. Спорт ўйинлари объектлари атрофларига 5000 донга



кўчат ўтказилгани, 2,5 гектар майдонга томчилатиб сугориш ускуналари ўрнатилгани ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, педагогика коллежи спорт майдони атрофлари кўкаламзорлаштирилди. Тураржойларга гиламлар тўшалди. Кўчаларга гуллар ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Йўлларда асфальтлаш, таъмирлаш, оқлаш каби ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шунга яраша вилоят терма жамоаси вакиллари ҳам бахсларга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бунинг учун дастлабки босқичларда ҳудуддаги 115 та касб-хўнар коллежи ҳамда 5 та академик лицей ўғил-қизлари бор куч-маҳоратларини ишга солидилар. Айниқса, ушбу плей-оффда Қизилқум педагогика, Шеробод транспорт алоқалари, Ангор маший хизмат, Музработ кичик ва ўрта бизнес, Қумқўрғон Қорсоқли маший хизмат, Термиз туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежлари ҳамда Жарқўрғон академик лицейида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар етакчилар қаторида иштирок этидилар. Пировардида асосий терма жамоалар шакллантирилди. Уларнинг мақсади ҳам ҳақиқий спортчиларга хос — финал босқичида ғалаба учун астойдил курашиб, ишончини оқлашдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар спорт ривожини яратиб берилаётган бекиёс шарт-шароитлар ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш баробарида, ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Х. ШАМШИЕВА, С. МАХСУМОВ.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш борасидаги долзарб масалалар ҳамда галдаги муҳим вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда маданият ва санъат намоёндалари, ҳар икки соҳанинг мутасадди ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ташкилланганидек, бугун мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини юксалтириш йўлида эзгу сый-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маданият ва санъат

МИЛЛИЙ САЊЪАТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ

ёш авлоднинг ёруғ келажагини таъминлашда бекиёс аҳамиятга эгадир

соҳаси ривожини таъминлаш борасидаги изчил ислохотлар ҳалқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий қадриятларимизга эҳтиром ҳиссини кучайтиришга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Яна бир қувонarli жиҳати шундаки, юртимизда навқирон авлод вакиллари маънавий-маърифий тадбирлар, танлов ва фестиваллар истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш, ноёб иқтидор соҳибларини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутаётди. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти учун ўтказилаётган аънавий танлов, "Шарқ тароналари", "Ягонасан, муқад-

дас Ватан!", "Энг улғ, энг азиз", "Келажак овози" сингари нуфузли кўрик ва фестиваллар ёшларимизнинг ижодий интилишларини қўллаб-қувватлашда, устоз-шоғирд аънаваларини қарор топтиришда бекиёс аҳамият касб этаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Матбуот анжуманида мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, ёшларни "оммавий маданият" ниҳоби остидаги турли ёт гоёлар таъсиридан ҳимоялаш ва уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди. Шунингдек, анжуманда номоддий меросни асраб-авайлаш, жумладан, музейлар фаолиятини

жонлантириш борасида бажарилаётган ишлар, ёшлар орасида "оммавий маданият" оқимлари таъсирига берилишининг олдини олиш, айниқса, кино ва театр санъатида драматик жиҳатдан етук асарлар яратилишига жиддий эътибор қаратиш каби долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Шунингдек, Мустиқиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги турли ижодий жамоалар тайёрлаган лойиҳалар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank

«Moody's Investors Service»

халқаро рейтинг агентлиги
томонидан 2011 йил 18 апрелда
ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг
барча рейтинглари прогнози

«Барқарор»

даражада яна бир бор қайта тасдиқланди.



Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39.

e-mail: info@qqb.uz
www. qishloqQurilishbank.uz

МАДАНИЯТ

хабарлари

Мамлакатимиз туман ва шаҳарларида "Ниҳол" мукофотининг саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда.

«Ниҳол»нинг ниҳоллари

Президентимиз ташаббуси билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу мукофотга бугунги кунга қадар қўллаб-қувватлаш бўлиб ўтган танлов Динара Холиқова, Бегзод Рижаев, Соҳиба Холматова, Феруза Мустаева, Санжар Болбеков ҳамда Азиз Бобоев сингари иқтидор соҳибларини кашф этди. Ғолиблар танловнинг вилоят босқичида иштирок этадилар.

О. БУРҲОНОВА.

«Аёл қўлидаги марварид»

Хоразм вилояти хотин-қизлар кўмитаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, халқаро "Олтин мерос" жағғармаси вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида "Аёл қўлидаги марварид" деб номланган фестиваль бўлиб ўтди.

Унда тадбиркор аёллар, хунарамандлардан иборат жамоалар ўз санъатларини намойиш этидилар. Шунингдек, тадбирда миллий қадриятларимиз даражасига кўтарилган урф-одатларимиз, аънаваларимиз, авлодан-авлодга ўтиб келаётган миллий хунарамандчилик, амалий санъат ва унинг ривож топишида аёлларнинг ўрни катта бўлаётганлиги ҳақида сўз юритилди.

Фестивалда Урганч тумани жамоаси ғолибликни қўлга киритди ва ташкилотчиларнинг дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М. КАРИМОВА.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Апишер Навоий номидаги Тил ва адабий институтини жамоаси собиқ катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Амина ИБРОҲИМОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Нуриддиновга отаси

Олимжон НУРИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси Қўқон филиали бошқарувчиси Мирмақсул Мирҳамзаевага отаси Мирмуҳсин МИРҲАМЗАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

FIAT INDUSTRIAL NEW HOLLAND AGRICULTURE NEW HOLLAND CONSTRUCTION МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

B 110 **TS 130** 130 о.к.

Италиянинг сифати

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

ОБ-ҲАВО (21 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Кечаси 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ёғингарчилик кутатилмайди. Харорат кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Кечаси 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кутатилмайди. Харорат тунда 13-15, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т—Тижорат материаллари

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусоҳиҳ — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.10 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5